



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

XXI аср саҳоси

Барча маълумотлардан олинган сўнги хабарлар

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 61 (9.558) 2001 йил 28 май, душанба Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқартларда

ПОШКЕНТ фармацевтика институтида Республика маляка ошириш институтининг профессор-ўқитувчилари иштирокида ўзаро тажриба алмашиш, тиббиёт соҳасидаги янгиликларни ўрганиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ПОШКЕНТНИНГ 10 йиллигига муносиб тўхфа сифатида қорқилган Тошкент кичик Халқа йўли қурилиши жадал давом этмоқда. Бу қурилиш иншоотида 1,5 мннгга яқин қурувчи меҳнат қилмоқда.

ПОШКЕНТНИНГ 10 йиллигида «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ташаббуси билан «Ўзбекистон — 10 йил. Тараққиёт маънавий-маданий юксалиги йўлида» мавзуда фотокўргазма намойиши ўтказилди.

ПОШКЕНТНИНГ 10 йиллигида «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ташаббуси билан «Ўзбекистон — 10 йил. Тараққиёт маънавий-маданий юксалиги йўлида» мавзуда фотокўргазма намойиши ўтказилди.

ПОШКЕНТНИНГ 10 йиллигида «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ташаббуси билан «Ўзбекистон — 10 йил. Тараққиёт маънавий-маданий юксалиги йўлида» мавзуда фотокўргазма намойиши ўтказилди.

ПОШКЕНТНИНГ 10 йиллигида «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ташаббуси билан «Ўзбекистон — 10 йил. Тараққиёт маънавий-маданий юксалиги йўлида» мавзуда фотокўргазма намойиши ўтказилди.

Кортрейк шаҳри делегацияси ташрифи

Аввал хабар берганимиздек, **БУГУН** поймахтимизга Тошкент билан биродарлашган Бельгиянинг Кортрейк шаҳри делегациясининг ташрифи бошланади.

Маълумки, Тошкентга Кортрейкдан бир неча марта делегация ташриф буюрган. Пойтахтимизда бўлиб ўтадиган гадаги биродарлашган шаҳарлар учрашуви доирасида Кортрейк шаҳри бургомистри ўринбосари Жан де Бетон ва бир неча ишбилармонлардан иборат делегациянинг Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлағанов билан мулоқоти, вазириликлар, идоралар, поймахтимиз корхона ва ташкилотлари вакиллари билан бизнес-семинарлари бўлиб ўтди. Бундан таш-

ТАНЛОВЛАР

Тадбиркорлик лойиҳалари асосида

Олий таълим билан бизнесменлик ўртасидаги ҳамкорлик қилувчи SIFE минтақавий офис маркази томонидан халқаро танлов ўтказилди. Олий ўқув юртлири ўқув фаолиятини тадбиркорлик лойиҳалари орқали ўзаро беллашув бўлажак иштирокчиларни муваффақиятлари аниқлаш имконини берди.

«Келажак илми» халқаро бизнес мактаби, Тошкент Давлат иқтисодий университети, Тошкент электротехника алоқа институти ва қатор таълимий марказлар вакиллари қатнашди.

Маъруза танлов эркин бозор шароитида тадбиркорликни юретишни ривожлантиришда ўзига хос босқич бўлди.

Азиз АҲАДОВ

АНЖУМАНЛАР

Техника фанлари муаммоларига бағишланди

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Техника фанлари ва XXI аср глобал муаммолари» мавзусида Республика миқёсидаги профессор-ўқитувчиларнинг илмий-амалий анжумани** бўлиб ўтди.

Фан ва техниканинг энергетика, машинасозлик, электроника, автоматика ва ҳисоблаш техникаси, тоғ иши ва геология, кимёвий технология ва саноат экологияси, нефть ва газ саноати, иқтисодиёт, фундаментал умуммуҳандислик ва ижтимоий гуманитар фанлар йўналиши бўйича 9 та махсуслаштирилган шўбада Республика олий ўқув юртлири илмий текшириш институти, Россия ва Қорақалпоғистон техника университетларининг етакчи мутахассис олимларининг 300 дан зиёд илмий маърузалари тақдим этилди ва тингланди.

Ушбу анжуманда фан ва техниканинг муҳим йўналишлари, XXI аср глобал муаммолари бўйича олимларнинг қизиқлари, фикр алмашишлари, маърузаларининг 3 қисман иборат тўплам ҳолида нашр этилганлиги ва тарқатилганлиги таъкидланди. Илмий изланишларни мувофиқлаштиришга, кенгайтиришга ва таълимий ҳаётга кенг таъбиқ этишга хизмат қилувчи ушбу анжуманинг муҳим йўналишлари, XXI аср глобал муаммолари бўйича олимларнинг қизиқлари, фикр алмашишлари, маърузаларининг 3 қисман иборат тўплам ҳолида нашр этилганлиги ва тарқатилганлиги таъкидланди.

Пойтахтимизнинг «Яккасарой -2» маҳалласида Олий Мажлис Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан ўтказилган маҳалла фуқароларининг йигини ошқоралиқ руҳида ўтди.

Ушбу йиғилишда маҳалла оқсоқолини сайлаш ҳуқуқига эга бўлган 75 нафар маҳалла фуқаролари иштирок этди.

Йиғилиш қатнашчилари муҳокамага тақдим этилган 5 та ма-

Сайловлар уюшқоқлик билан ўтмоқда

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бугун республикамиз, жумладан шаҳримиз маҳаллаларида мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён — фуқаролар йиғини раислигига сайловлар бошланиб кетди.



Бугунда Ватан ичра Ватан ҳисси жаҳон таърибасида ўхшаши йўқ институт — маҳаллаларнинг жами тутган ўрни ва мавқеи тобора ошяпти.

Маҳаллаларда ҳозирда бўлиб ўтган сайловларни кузатарканмиз, кишиларнинг оқсоқолларга қўйилган талаблар ва уларнинг масъулиятларини чуқур ҳис этган ҳолда номзодлар орасидан энг муносибни сайлашга тиниб қолган, қувонарлиқдир.

Ақмал Икромов туманидаги Ҳабиб Абдуллаев номи маҳаллада бўлиб ўтган йиғилишда аҳоли фаолиги охири бораётганининг яна бир қарра гувоҳи бўлдик.

Тадбир олдидан бу йилги сайловлар тўғрисида айрим маҳаллалошлар ўз фикр-мулоҳазалари билан бажониқил ўртоқлашишди.

— Илгариги сайловлардан бу галгиси тубдан фарқ қилади, — дейди Ҳабибулло Абдуллаев. — Зеро, илгариги фақат ташкилотчилиги, ёши улуглиги билангина танланган оқсоқол бўлган бўлса ҳозирги маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчиларидан атрофлича кенг билимга, раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши талаб этилади. Улар маданий-маърифий йўналишдаги тадбирларни ташкил эта олишлари, жойларда Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашлари жоиздир. Шу сабабдан ҳозир номзодликка ҳам кўпроқ гайратли, шижоатли, ташаббускор ёшларни қўяямиз.

Арофат Иброҳимова эса ўз фикрларини қуйидагича баён этди:

— Сайловга фақат эркаклар эмас, кўпгина аёллар ҳам жалб қилинмоқда. Энг муҳими, номзодларнинг барчаси олий маълумотли, тадбиркор, маҳалла учун қайғурадиган, бугунги кун талабларига жавоб берадиган кишилардир. Биз аҳоли фаровонлиги, маҳалла ободлиги ва келажакни ўйлайдиган оқсоқол сайлаимиз. Аёлларга эътибор кучайтирилгани, илк бор хотин-қизлар комиссиясининг раиси оқсоқолга ўринбосар бўлишини ҳам бу йилги сайловларнинг ютуқли томонларидан бири деб биламан.

Сайлов мажлиси давомида маҳалла оқсоқоли ўтқир Обидов ўтган 2,5 йил ичида маҳаллада ҳамма соҳалар бўйича қилинган ишлар юзасидан батафсил ҳисобот берди. Эътиборга лойиқ томони шундаки, ўтган йилги маҳалла газ ва ичимлик суви тўловлари бўйича қараларисиз яқунлаган. 1999 йили маҳалла ҳудудида 2 қаватли оналар ва болалар поликлинिकासи, ўтган йили эса ҳомийлар ёрдамида таянч пункти фойдаланишга топширилган. Бу йил учта болалар футбол командаси ташкил этилди.

Ҳисобот юзасидан муҳокамаларда Ҳ. Абдуллаев, Я. Тўхтаев, Д. Солиева каби маҳалла фуқаролари сўзга чиқиб маҳалла фаолиятига ижобий баҳо беришди. Маҳалла ҳаётидаги айрим камчиликлар ҳам тилга олинган бўлса-да, маҳалла фаолияти қониқарли деб топилди. Ўтқир Обидов яна маҳалла оқсоқоли этиб қайта сайланди. Сўнг кун тартибидagi бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб фуқаролар йиғини қотиби, турли комиссиялар, маслаҳатчилар сайланди.



Дилмурод ИСМОИЛОВ СУРАТЛАРДА: Ҳабиб Абдуллаев маҳалласидаги фуқаролар йиғинига сайлов ана шундай уюшқоқлик билан ўтди. Сергей Любич олган суратлар.

Фаолият қониқарли топилди

саланинг ҳаммаси ҳам долзарб бўлиб, «Яккасарой-2» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг икки ярим йил мобайнида қилинган ишлар юзасидан берган ҳисоботи аксарият фуқаролар томонидан қониқарли деб топилди. Ушбу ҳисобот юзасидан сўзга чиққан Машқура Қосимова маҳаллада кам таъминланган оилаларга ёрдам пули беришда баъзи камчиликларга йўл қўйилганлигини таъкидлади. Фуқаролардан Абдулазиз Абдуазизов, Зоҳид Солиқов, Марғуба Аҳмедовалар оқсоқолнинг фаолиятдан қониқиб ҳосил қилганликларини айтишди.

Шунингдек, маҳалла тафтиш комиссияси аъзоси Марғуба Йўлдошевнинг ҳисоботи ҳам йи-

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси томонидан ташкил этилган «Суд-ҳуқуқ ислохотлари ва судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш» мавзусида семинар-кенгаши бўлиб ўтди.
- Ўтган шанба кунини Миллий матбуот марказида ўтказилган маънавий-мафкуравий ва тарғибот ишлари бағишланган йиғилишда Президентимизнинг Хотира ва Қадрлар кўнида ижодий зиёлилар олдиға қўйган катта ва масъулиятли вазифалар муҳокама қилинди.
- Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, олимпиадалар «Олимпиа» уюшмаси Фридрих Эберт номи жағфарма билан ҳамкорликда мамлакатимиз Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ҳаётида олимпиадаларнинг ўрни» мавзусида анжуман ўтказди.
- Республика Маданият ишлари вазирилик қўмитаси «Ўзбекракс» миллий рақс бирлашмаси ташаббуси билан Ватанимиз Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Рақс байрами» ҳафталиги бошланди.
- Республика Таълим марказида Халқаро Қизил Хоч қўмитаси, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Миллий жағиати, Халқ таълими вазирилик ҳамкорлигида «Инсон ва жағиат» курси бўйича қўшимча ўқув қўланмасини тақомиллаштириш Масалаларига бағишланган семинар-кенгаши бўлиб ўтди.
- «Хунарманд» республика уюшмасининг Шаҳрисабздаги туманлараро бўлими Япония элчихонасининг 50 минг АҚШ доллари миқдоридagi грантига сазовор бўлди.
- Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компаниясининг инсонларпарилк юклари ортлган саломатлик поездди Қорақалпоғистон ва Оролбўйи ҳудудларига йўл олди. Ундукўч — Мискин — Султон — Нукус йўналиши бўйича йўлга чиққан ушбу поезд оқлари таркибида 2 миллион сўмлик озиқ-овқат, 1 миллион сўмлик дори-дармонлар, шунингдек болалар кийим-кечақлари ва ичимлик суви бор.
- Республика Бадий академиясининг кўргазмалар залида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жағфармаси томонидан уюштирилган «Камалак жиғиси» болалар расмлари танлови ўтказилди.
- Андижон шаҳридаги ўқувчилар саройида «Бэхор ранглари» деб номланган либослар танловининг вилыот босқичи ўтказилди.
- Тошкентда Британия кенгаши, Италия, Польша, Франция, Чехия, Швейцария Конфедерацияси элчихоналари, Бельгия Қироллиги консулиги ва Алишер Навоий номидаги Санъат саройи дирекцияси ҳамкорлигида «Европа киноси кунлари» бошланди.
- Бердак номидаги Қорақалпоғистон Давлат университетида ушбу ўқув даргоҳи ташкил топганлигининг 25 йиллигига бағишланган ўзбек кураши бўйича мусобақа ўтказилди.
- Самарқанд шаҳрида республика бўйича ўрта махсус касб-хунар билим юртлири талаба ёшлари ўртасида «XXI аср шунқорлари» харбий спорт мусобақалари ўтказилди.

Жаҳонда

- Кеча** Санкт-Петербург 298 йиллигини нишонлади.
- Фластини мухторияти раҳбари Есир Арофат Америка собик сенатори Жорж Митчелл раҳбарлигида Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш бўйича ташкил этилган махсус комиссиянинг ишлаб чиққан ҳисоботи бўйича учрашув ўтказиш таклифи билан чиқди. Шунингдек, Арофат можарони ҳал этишда Жорж Бушнинг кўмак беришини сўради.
- Бугун** Техронда Эрон Президенти Муҳаммад Хатами ўзининг сайловолди митингини ўтказди.
- Кеча** Россияда кутубхоналар кунини нишонланди.
- АҚШ сенатида Соғлиқни сақлаш, таълим ва меҳнат масалалари қўмитасини бошқарётган республикачи сенатор Жим Жиффорд республикачилар партиясидан расмий равишда чиққанлиги ва бошқа партия аъзоллигига кирмаслигини эълон қилди.
- Хитойнинг Хайнан оролида ушлаб турилган АҚШнинг жосус самолёти булақларга бўлинган ҳолда Америкага олиб кетилади. Вашингтон мулозимлари томонидан билдирилган шундай таклифга Пекин намояндалари ижобий жавоб қайтаришди.
- Бугун** Тожикистонда чегарачилар кунини нишонланди.
- Шу йилнинг 11 апрель кунини Душанбе шаҳрида содир этилган суиқасд натижасида Тожикистон ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ҳабиб Сангинов ҳалок бўлган эди. Олий боришган тергов-қидирув ишлари оқиба-тида қотилликни содир этган тўрт нафар жиноятчи ҳибсга олинди.
- Россия Бош вазири ўринбосари Илья Келебанов «Курск» сувоити кемаси шу йилнинг 15 сентябрга қарак қуруқликка олиб чиқилишини маълум қилди.
- Астрахань шаҳрида «Каспий-XXI» сийсатдан бизнесга-ча» халқаро нефть ва газ форуми иш бошланди. Унда Каспийбўйи давлатлари Президентларининг Каспий муаммоси бўйича махсус вакиллари, нефть-газ компаниялари ва халқаро концерциумларининг менежерлари иштирок этмоқда.
- Бугун** Македониядаги танглик ҳолатини бартараф этиш учун бу ерга Европа Иттифоқи раҳбарияти аъзоси Хавьер Солана келди.
- Хабарларга қараганда, албан исёнчиларининг «Пре-шево, Медвежи, Буяноваца озодлик армияси» гуруҳлари раҳбарларидан бўлиш Швекет Муслиу «Исёнчи гуруҳларни 31 майга қадар қуролсизлантириш, харбий хизматдан бўшатиш ва бундай бўлиналарни тугатиш» тўғрисидаги битимга имзо чеқди.
- Кеча** Вильнюсда НАТО ассамблеяси очилди.
- Хитойнинг Гуйчжоу вилыотидagi Гуйян шаҳар суди 1997-1999 йиллар мобайнида 40 дан ортук ёш болаларни ўғирлаб сотишда айбонган жиноий гуруҳ устидан ҳукм чиқарди. Унга қўра, жиноятчиларнинг 8 нафари ўлим жазосига тортилган бўлса, учтасига умрбод қамқоқ жазоси берилди ва беш нафари эса турли муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Сафардаги мағлубият

КЕЧА юбормаганларида учрашувда уч очкодан маҳрум бўлмасди-лар. Хуллас ўйин 1:1 ҳисобида яқунланди.

Олий лига дебютанти «Академия» ҳам «Кимёгар» билан ўз майдонида (1:1) дуранг натижага эришди.

Қолган учрашувларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди. «Нефчи» — «Семурғ» 5:2, «Андижон» — «Навбахор» 4:0, «Сўғдиёна» — «Металлурғ» 4:0, «Бухоро» — «Сурхон» 2:0, «Зи-зилкум» — «Насарғ» 1:1, «Зарафшон» — «Турон» 2:1.

Навбатдаги 14-тур учрашув-келтирувчи тўпта жавобан ўз дарвозаларидан гол ўтказиб





Санъат кошонаси

Пойтахтимиз кўрқига алоҳида кўр бўлиш билан бирга 600 нафар санъатта ошно талабани ўз бағрига олувчи ушбу бинонинг бунёдкорлик ишларини амалга оширишда «Туронмарказкурилиш» хиссадорлик жамияти, «Тошмуҳандискурилиш» ҳамда 159-қурилиш трестлари, бошқа ёрдамчи қурилиш ташкилотларининг мингдан зиёд қурувчилари гайрат кўрсатишмоқда. Шаҳримизнинг Абай кўчасидаги 1,5 гектарлик майдонни эгаллаган ушбу долзарб қурилиш майдонига барча касб эгалари — тикловчи, пайвандчи, дурадгор, сувоқчи, бўёкчи, электрчи, сантехник, хайдовчи ва бошқа мухтаassisлар иншоотни лойиҳада кўзда тутилганидек жаҳон андозлари талаблари даражасида ташкил кўриши бежирим, ичи кенг ва баҳаво, педагог ва талабалар учун барча шароитлар муҳайё этилган тарзда бунёд этишга астойдил интилишмоқда.

Янги консерватория асқисидан анча катта ва кўркам кўриниши билан ажралиб, унда 40 та ўқув хонаси, тўртта концерт зали бўлади. Шуни-си эътиборлики, келажакда консерваторияда муслиқ тарбияга йўналтирилган лицей очилиши ҳам мўлжалланган. Бинода жойлашадиган орган, камер, опера заллари олдингиларидан бирмунча катта бўлиб, 300, 350 ва 700 томошабинга хизмат кўрсата олади. Улар овознинг барча нуқталарида бирдай яхши эшитилишини таъминловчи техник ускуналар билан жиҳозланади. Бундай қўлайликлар эса консерваторияда фестивал, кўрик-танлов ва концертларни бекам кўрсатиш имкониятини яратиши табиий.

Мавжуд 3 та ўқув биносида

22 та факультет ва кафедра-лар учун лекция аудиториялари, кутубхоналар, мусика тинглаш, дам олиш, мусика асбоблари жойлашадиган хона-лар, шинам ошхона ҳамда спорт зали бунёд этилмоқда. Ўқув ва машғулот хоналари алоҳида-алоҳида қурилиб, уларнинг деворлари товуш ўтказмайдиган қурилиш ашё-лари билан жиҳозланади. Ўқув юрти қошида ташкил топган театр-студияга алоҳида саҳна ҳам ажратиш кўзда тутилган.

— Президентимизнинг қурилиш майдонига ташири-лиш ҳамда бунёдкорлик иш-лари билан танишуви чоғида-да йўл-йўриқ ва маслаҳатла-риш бу ерда сидқидилдан ме-хнат қилаётган ҳар бир бунёд-корни руҳлантириб, кучига куч, гайратига гайрат қўши-ди, — дейди «Туронмарказку-рилиш» хиссадорлик жамияти



илғор қурувчиси, ишбоши Рустам Назаров, — шу боис ҳам бугунги кунда ишимиз-ни ана шу кўрсатмаларга амал қилган ҳолда ташкил этдик. Мақсадимиз, нафақат бу ерда мусика сабоқлари-ни кунт билан ўрганувчи талабалар, яъни келажакда-да юртимиз довуғини та-ратувчи санъаткорлар, балки томошабинлар, хорижий меҳмонлар ҳам завқ олсин, кўриб қўзғалин кувсансин.

Кўркам санъат кошонаси фойдаланишга топширил-ган, у ҳам билим даргоҳи, ҳам мусика иқодиёти ва иж-рочилиги ривожланган, миллий маданиятимиз тар-ғиботи намунали йўлга қўйилган маскан вазифаси-ни ўташи, ушбу кутлуг дар-гоҳдан миллатимиз фахри саналмиш истеъдодли санъаткорлар етишиб чи-қиши, шубҳасиз. Шунинг учун ҳам айни дамларда ушбу маскан қурилишида тер тўқаётган бунёдкорлар ҳар бир соату дақиқадан унум-ли фойдаланиб, уни тез ва соз, шахримиз хуснига мос қилиб бунёд этишга инти-лишмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: «Турон-марказкурилиш» хисса-дорлик жамиятининг ил-горлари — (чапдан) тик-ловчи Игорь Гузев, ишбо-ши Рустам Назаров, электрпайвандчи Андрей Кудряков; тикловчилар бригадаси сардори Вла-димир Бондаренко ва электр пайвандчи Акмал Ёкубовнинг бино қурили-шида муносиб хиссаси бўлади.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Яна бир музей

Кунни кеча Ўзбекистон муҳофаази кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташки-лоти қошида халқимизнинг уч ярим минг йиллик тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи «Шонли Ватан тарихи музейи»нинг тантанали очилиш маро-симси бўлиб ўтди.

Ушбу музей 300 квадрат метр кўргазма залига эга бўлиб 6 та бўлимдан иборат. Қарийб 600 га яқин фотосурат, графика асарлари, ўтмишимизга оид хариталар, матнли плакатлар, турли адабиётлар ёр-дамида Ватанимизнинг шонли тарихи ёритиб берилган. Кўргазмалар қаторидан умумжаҳон маданиятига ўзларининг улкан хиссаларини қўшган алломаларимиз Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом ал-Бухорий, Хожа Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Баҳоуддин На-шбанд ҳамда Ватанимиз сарҳадларини босқинчилардан ҳимоя қилган мард ин-сонлар Тўмарис, Спитамен, Муканна, Жа-лолиддин Манғуберди, бобомиз, Амир Те-

мурларнинг қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар ўрин олган.

Музейнинг яна бир махсус зали муста-қил Ўзбекистон Республикаси, унинг ички ва ташқи сиёсати, иқтисодиёти, муҳофаа қудрати, Кадрлар тайёрлаш мил-лий дастури, миллий истиқлол гошлари, Конституциямизнинг ҳаётдаги аҳамияти каби қатор мавзуларни қамраб олган.

— Музейнинг ташкил этилишидан мак-сад, — дейди Тошкент шаҳар «Ватанпар-вар» ташкилотининг кенгаш раиси ўрин-босари Максуд Каримов, — ўқув ташки-лотларида тахсил олаётган бўлғувчи Ва-тан ҳимоячиларини, шунингдек ўқувчилар-ни илк давлатчиликни қуриш давридан бошлаб мустақиллик даврига чадан босиб ўтилган шонли йўлни кўрсатиш ва улар тарихни чуқур ўрганиши мустақиллик дав-рида амалга оширилган ишларнинг мохи-ятини англаш, уларда Ватанини ардоқлаш ва севиш каби ҳис-туйғуларни шакллан-тиришга хизмат қилади.

Шоира МУХАМЕДОВА

ТАДБИРКОРЛИК

Танангиз яйрайди

Пойтахтимизнинг Шай-хонтохур туманида янги асрининг илк йилдан ўз фаолиятини бошлаган «Тошкент тифектери» Ўзбе-кистон — Англия кўшма корхонасида қадоқланаёт-ган чой ўзининг сифати ва таъми билан харидорлар-га манзур бўлмоқда.

Хориждан келтирилган за-монавий қадоқлаш линияла-ри билан жиҳозланган ушбу корхонада ҳейлон чойлари 88 ҳамда 100 граммлик қути-ларда қадоқланиб савдо шо-ҳобчаларига чиқарилмоқда. Чиройли ва бежирим қадоқ-ланган ушбу чойлар ўзининг хуш таъми ва шифобахшли-ги билан ажралиб туради.

Дилноза ФИЁСОВА

Қарзингизни қачон тўлайсиз?

Юнусобод туманидаги «Астро-бод» маҳалласи ҳам кун сайин чи-рой очиб, обод бўлиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорларининг шир-катлари тўғрисида»ги Қонунга би-ноан 2001 йилда ушбу маҳалла таркибига ҳам 3 та — «Астробод коммуналчи», «Қурувчи-комму-налчи», «Астрободлик» ширкатла-ри ташкил топди.

Ширкатларда кечаю кундуз ишлай-диган диспетчерлик хизмати ташкил этилиб, аҳолига кўрсатиладиган хиз-мат вақти ва сифати яхшиланиб бор-моқда. Бу борада маҳалла фаоллари билан кўп қаватли уй бошқарувчи-ларининг ўзаро ҳамкорликда иш юрита-ётгани ўз самарасини бермоқда. Ту-рар жойлардаги хонадон эгаларининг

ҳам ўз уйларида муносабатлари ўзга-риб, уни авайлаб асрашга, тўловлар-ни муддатда тўлашга интилишмоқда.

— Бироқ шולי кўрмаласиз бўлма-ганидек, — дейди маҳалла котиби Фатхулла Назаров, — 51 та кўп қават-ли уйларида истиқомат қилувчи 7 ми-нгдан зиёд аҳоли орасида лоқайд, ўз вазифа ва бурчларини англаб етмай-диган, яъни коммунал тўловларни ўз вақтида тўламайдиган, натижада бир неча йиллаб қарздор бўлиб юрган хо-надон эгалари кўп-кўп топилди. Улар-нинг кўпчилиги имконияти бўла ту-риб, турли баҳоналарни рўқча қили-шди, хилма хил ваҳж-карсонлар билан ширкат ходимларини чалғитишди. Ана шундай хонадон эгаларининг но-мларини газетада эълон қилсак, улар-микан деб ўйлаймиз-да. Балки ўз исм-

шарифларини ўқиб инсофга келиб қолишса, бу маҳаллага ҳам фойда бўлармиди. 7-мавзе 9-уй, 22-хонадон-да яшовчи Х. Абдуллаеванинг қарзи 15 ойдан буён 36 миң сўмга етди. Шу мавзенинг 10-уй, 19-хонадондан Г. Ануфриева 1,5 йилдан буён 76 миң сўм қарзини тўлашни ўйламай юриб-ди. Икки йиллик қарзлари бўла ту-риб бамайилхотир юрган Н. Бақова (7-мавзе 28-уй, 1-хонадон) 78 миң, Л. Қунаев (39-уй, 34-хонадон) 71 миң, Б. Умаров (40-уй, 55-хонадон) 57 миң, Н. Маҳмудова (40-уй, 21-хона-дон) 57 миң, Э. Петерик (15-уй, 7-хонадон) 28 миң сўм тўловларни бир неча марта оғоҳлантирилишига кара-май тўлашмаётгани гоятда ачинарли-дир.

Шарофат БАХРОМОВА

ТАБИАТ ВА ИНСОН

№ 5 (112) Тошкент шаҳар табиати муҳофаази қилиш қўмитасининг иловаси

Табиати муҳофаази қилиш— ҳозирги ва келгуси авлодлар-нинг эҳтиёжларини ҳисобга ол-ган ҳолда атроф-муҳитни му-саффо ҳолда сақлаш ва таби-ий бойликлардан оқилона фой-даланишдир.

Маълумки, ҳозирги кунда атроф-муҳитни муҳофаази қилиш асри-мизнинг энг йирик муаммоларидан бири бўлиб турибди. Янги кимёвий захар-ли чикиндиларнинг дарё ва шу каби су-оқадиган иншоотларга ташлани-ши сабабли атроф-муҳит ва тирик мавжудотларнинг захарланишига ва ичимлик суви етишмаслигига муам-мо-сига олиб келмоқда. «Табиати му-ҳофаази қилиш тўғрисида»ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Конститу-

циясининг 50-моддасида «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», деб бежиз айтилмаган. Шунингдек, «Атмосфера ҳавосини муҳофаази қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳам жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир.

Биз атроф-муҳитни транспорт воситаларининг зарарли чикиндилари-дан муҳофаази қилиш, шаҳар ҳудуди-да экологик аҳолини соғломлашти-риш тадбирларига асосий вазифа-ларимиздан бири сифатида қараймиз. Шаҳарда ҳаво тозаланиши сақла-шининг муҳим вазифаларидан бири — кўчалар текислигини таъминлашдир. Ваҳоланки, кўчаларда таъмирлаш ишлари сифатсиз бажарилганлиги оқибатида шаҳар кўчалари доим чўкишларга учрамоқда, ўнқир-чўнқир жойлар ҳаддан ташқари кўп. Бундай ҳолатда транспорт воситалари захар-ли газни кўп чиқаради. Бундан таш-қари, трамвай излари билан кесиш-ган чорраҳаларнинг ёмон аҳволдали-ги ҳам ҳаво ифлосланишига олиб келмоқда.

Шаҳарда атмосфера ҳавосини иф-лосланишдан сақлашда «Тоза ҳаво» тадбирининг бир йилда икки маро-таба — баҳор ва куз мавсумида икки ой давомида ўтказилиши ижобий на-тижалар бермоқда.

Автотранспортлардан чиқаётган захар-ли моддалар таркибига оксиген уг-лерод, озод оксиген, алдегидлар, қурум, бензобирин моддалари бор. Олимларнинг аниқлашича бундан таш-қари, яна бир захарли газлар тар-кибига 200 дан ортиқ компонентлар борлиги аниқланган. Мисол учун уг-лерод оксиген қонга тушганда терида қизил қонли эритроцитлар ҳосил

МУШОҲАДА

Зарурий чоралар кўришмоқда

таси меъёрдан ортиқ захарли газ билан, 124 таси қайта ишланган дуд билан, 10 таси меъёрдан ортиқ дуд билан ифлосланганлиги аниқланган. Тасдиқланган режага асосан 33 корхонанинг жавобгар маъмурий шахсларига нисбатан 119450 сўм миқдорда жарима солинган. Текши-рилган автотранспортларда автотранс-портлардан чиқаётган захарли газларни текширувчи 15 та назорат пости жойлашган бўлиб, улардан газлар-ни текширувчи асбоблар: газоана-лизаторлар билан 22 та, тўтун ўлча-гичлар билан 7 таси таъминланган.

Мазкур тадбирлар самараси ат-рофлича таҳлил қилиниб бормоқда. Атроф-муҳитни муҳофаази қилиш қонунларига зид иш тутайтган автотранспорт корхоналарининг мансаб-дор шахсларига нисбатан маъмурий ва интизомий чоралар кўришмоқда, автотранспортларни таъмирлаш устахо-налари, ёқилғи қуйиш корхоналари фаолияти қаттиқ назорат қилиб бо-риляпти.

Ҳозирги кунга келиб аҳолининг табиати муҳофаази қилиш тўғриси-даги қабул қилинган қонунларга му-носабати тубдан ўзгарди. Натижада атроф-муҳит муҳофаазиси яхшилан-моқда. Табиий ресурслардан оқило-на фойдаланишмоқда. Тупроқ, сув, сув ҳавзалари, атмосфера ҳавосини ифлослантирмастик, ўсимлик ва ҳай-вонот дунёсини ўрганиш меъёрлар даражасига кўтарилиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, шаҳарнинг тоза ҳавосини сақлаш учун барча зару-рий чоралар кўришмоқда.

Тасдиқланган режага асосан 33 корхонанинг жавобгар маъмурий шахсларига нисбатан 119450 сўм миқдорда жарима солинган. Текши-рилган автотранспортларда автотранс-портлардан чиқаётган захарли газларни текширувчи 15 та назорат пости жойлашган бўлиб, улардан газлар-ни текширувчи асбоблар: газоана-лизаторлар билан 22 та, тўтун ўлча-гичлар билан 7 таси таъминланган.

Мазкур тадбирлар самараси ат-рофлича таҳлил қилиниб бормоқда. Атроф-муҳитни муҳофаази қилиш қонунларига зид иш тутайтган автотранспорт корхоналарининг мансаб-дор шахсларига нисбатан маъмурий ва интизомий чоралар кўришмоқда, автотранспортларни таъмирлаш устахо-налари, ёқилғи қуйиш корхоналари фаолияти қаттиқ назорат қилиб бо-риляпти.

Ҳозирги кунга келиб аҳолининг табиати муҳофаази қилиш тўғриси-даги қабул қилинган қонунларга му-носабати тубдан ўзгарди. Натижада атроф-муҳит муҳофаазиси яхшилан-моқда. Табиий ресурслардан оқило-на фойдаланишмоқда. Тупроқ, сув, сув ҳавзалари, атмосфера ҳавосини ифлослантирмастик, ўсимлик ва ҳай-вонот дунёсини ўрганиш меъёрлар даражасига кўтарилиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, шаҳарнинг тоза ҳавосини сақлаш учун барча зару-рий чоралар кўришмоқда.

Муассар ЮСУПОВА,
Тошкент шаҳар табиати муҳофаази қилиш қўмитаси назоратчиси.

ТЕКШИРУВЛАР

Экология қўндалиги

Тошкент шаҳар табиати муҳофаази қилиш қўмитаси назоратчилари ўтган ойда шаҳримиз корхоналарини кўздан кечириб, бу жойларда атроф-муҳит ҳимоясини қилиш бўйича бир қатор камчиликларни аниқлашди. Шунга кўра ушбу корхоналарнинг раҳбарларидан 93 тасига жарима солиниб, улардан 345500 сўм пул ундирилди.

□ Назоратчилар «Саиш» кўшма корхона-сида бўлганларида люминисцент лампала-рини ўз вақтида зарарсизлантирилмаганли-гини аниқладилар. Бундай ҳолга йўл қўй-гани учун корхона директори С. Усмоновга 5000 сўм жарима солинди.

□ «Ром» кичик корхонаси давлат эколог-ик экспертизасининг ҳулосасини олма-й туриб, иш фаолиятини бошлаб юборган. Шу сабабли унинг раҳбари М. Раҳматов 7350 сўм жаримага тортилди.

□ «Керамзитбетон» ҳиссадорлик жамия-тининг мой сақлаш корхонасида атроф-му-ҳитга зарар етказган ҳолда мойдан фойда-ланилган. Ҳужасизларча иш юритган жа-вобгар шахс М. Фозилдор 7350 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

□ «Мармарташ» жамоа корхонаси бош муҳандиси А. Худоев люминисцент лам-паларини ўз вақтида зарарсизлантириш чо-раларини кўрмаган. Натижада у 7350 сўм жарима тўлади.

□ «Пахтачи-Даврон» корхонаси раҳбари А. Хидоятлов зарарли моддаларнинг меъ-ёрий лойиҳасини тузмаганлиги сабабли 7350 сўм жаримага тортилди.

□ Назоратчилар маҳалладан келган бир хат юзасидан фуқаро Ю. Одилов истиқомат қилаётган хонадонда бўлишди. Аниқлаши-шича, у ҳеч кимнинг руҳсатисиз ўзбошим-чалик билан бир неча даракларни кесиб ташлаган. Бу қилмиши учун Ю. Одилов ҳаммадан 7350 сўм тўлади.

□ «Ёнғиндан сақлаш анжомлари» корхо-насида атроф-муҳитга зарарли физик таъ-сир кўрсатишининг олдини олиш чора-тад-бирлари кўрилмаган. Жавобгар шахс В. Гафнер қилмишига яраша 7400 сўм жа-римага тортилди.

□ «Дойче кабель» кўшма корхонасида сувдан махсус фойдаланиш руҳсатномаси мuddати аллақачон тугаган бўлишига қар-май, бош муҳандис А. Волков қондабузар-лик билан сувдан фойдаланиб келганлиги тўғрисида 7350 сўм жарима тўлаш билан қўтилди.


□ 4-автотранспорт ҳудудида сув захира-ларини муҳофаази қилиш қонунлари бузила-ётганлиги аниқланди. Жавобгар шахс И. Файзихужаев 5000 сўм жарима тўлади.

□ «Ўзбеккабель» хиссадорлик жамияти-нинг бош муҳандиси Ш. Розиков ҳам таби-ий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмагани учун 7350 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

таси меъёрдан ортиқ захарли газ билан, 124 таси қайта ишланган дуд билан, 10 таси меъёрдан ортиқ дуд билан ифлосланганлиги аниқланган. Тасдиқланган режага асосан 33 корхонанинг жавобгар маъмурий шахсларига нисбатан 119450 сўм миқдорда жарима солинган. Текши-рилган автотранспортларда автотранс-портлардан чиқаётган захарли газларни текширувчи 15 та назорат пости жойлашган бўлиб, улардан газлар-ни текширувчи асбоблар: газоана-лизаторлар билан 22 та, тўтун ўлча-гичлар билан 7 таси таъминланган.

Мазкур тадбирлар самараси ат-рофлича таҳлил қилиниб бормоқда. Атроф-муҳитни муҳофаази қилиш қонунларига зид иш тутайтган автотранспорт корхоналарининг мансаб-дор шахсларига нисбатан маъмурий ва интизомий чоралар кўришмоқда, автотранспортларни таъмирлаш устахо-налари, ёқилғи қуйиш корхоналари фаолияти қаттиқ назорат қилиб бо-риляпти.

Ҳозирги кунга келиб аҳолининг табиати муҳофаази қилиш тўғриси-даги қабул қилинган қонунларга му-носабати тубдан ўзгарди. Натижада атроф-муҳит муҳофаазиси яхшилан-моқда. Табиий ресурслардан оқило-на фойдаланишмоқда. Тупроқ, сув, сув ҳавзалари, атмосфера ҳавосини ифлослантирмастик, ўсимлик ва ҳай-вонот дунёсини ўрганиш меъёрлар даражасига кўтарилиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, шаҳарнинг тоза ҳавосини сақлаш учун барча зару-рий чоралар кўришмоқда.



БИЛАСИЗМИ?

◆ Ямайка оролида бир даракт ўсади. Бу дарактнинг танаси юпка пўстлоқ билан қопланган бўлади. Канопсимон бу пўстлоқ худди ўкага ўхшайди. Ерли халқ ана шу пўстлоқни шилиб олиб ёзди қўйлак ти-киб қияди, шарф қилиб ўрайди.

◆ Мексикада ўсадиган бир дарактга «Динамит» деб ном берил-ган. Унинг меваси пишиб етилганда қовоқ ҳажмида бўлади. «Дина-мит» даракти портлаш хусусиятига эга, портлаганда ҳам теварак-ат-рофга ўткир тишли оскоқаларга бўлиниб кетади.

Тошкентдаги 24-мактабнинг биология ўқитувчиси Абдурахим РАСУЛОВ тайёрлаган.

ТЕЖАМКОРЛИК

Хар кунги йўлим Тош-кентнинг кумуш камари ан-ҳор бўйлаб ўтади. Қиш кун-лари, сув босими пасаян-ганда анҳор узанида чикин-диларнинг уйилиб ётганини кўриб, ич-ичимдан қандай-дир оғриқли нидо чиқади. Еши улғурлар яхши билиш-ди: олтиминчи йилларнинг ўртапарчага мана шу анҳор-дан бутун шаҳар сув ичар эди. Сувга ахлат ташлаш у ёқда турсин, тупуриш ҳам гуноҳи азим ҳисобланарди.

Шу уринда болалигим-нинг ширин, ўчмас хотира-ларидан бир шингил айтмоқ-чиман. Саломат буйим бир кунни Дилбар омам ҳовлини супураётганида каттик кой-иб бердилар: «Болам, ҳеч қачон ариқча қараб супурма, ариқ лабидан тескари то-монга супуришни одат қил. Чунки сув ифлосланса яхши бўлмайди, қўшниллар нима дейди?»

Ариқ ҳовлимиздан қўшниларикига ўтиб кетар-ди, ўтиш жойида ариқча беш-олтита калтак тиқиб хас-чўпларни тутушга тўсиқ қилиб қўйилган эди. Катта-лар кунига икки марта — эр-талаб ва кечқурун унда ту-тилиб қолган хас чўпларни олиб ташлар эди. Шу сувдан бошқалар ҳам ичишда деб, уни асраб-авайлашга ҳара-кат қилишарди, ўз уринида бизникига ҳам қўшники-дан фақат мусаффо, зилол-суд оқиб чиқар эди.

Қадим-қадимдан «Сув — бу об-ҳаёт», дейдилар. Катта

Тадқиқотчилар бир нарс-ага тан беришган эканики, ша-ҳар ҳовлилари пасту баланд-ликда жойлашган бўлсада, бирорта ариқ ўтмаган ҳовли бўлмаган экан (бунга қанчалик муҳандислик заковати керак) ва бу ариқлар нечоғлиқ озо-да-покиза сақланиб, ёзги жазираманларни кесиб, аҳоли-га ҳузур ҳаловат бағишлар экан.

Мана шу анҳор қадим за-ҳудудини Қорақуму Қизилқ-ундек қумлиқлар қамраб ол-ган Турон заминида ерни су-ғориш қийин муаммо бўлган. Диёримизда сув бормаган ерлардан ҳосил олиб бўлмас, сув танқислигидан кўп ерлар ишламасдан ва эқилмасдан қола берган. Бундай ерларга фақат сув жон киргизиши мумкин эди.

Қадимдан диёримизда суғо-риш ишлари бўйича анча иш-

армаси ҳам мавжуд бўлган. Мироблар ўз мансаблари билан фахрланганлар ва касбларини эъзолаганлар. Масалан Оғахийдек буюк зот «Риёзуд давла-асарида амакиси Мунис Хоразмий ўрнига миқроблик мартабасига тайинланган-лигини гурур ва бир олам қувонч билан қайд этади.


Уша давлатги миқроблар зиммасига каналлар қазииш, уларни доимо таъмирлаб ва тозалаш туриш, дамба, нов ва чигир-чархпақлар қуриш, сувдан тўғри фой-даланиш устидан назорат олиб бориш, йилнинг қай-си фаслида қарға қанча сув керак бўлиши, шунин-гдек узанларини тез-тез ўзгартириб турган Амурдари каби халқ ҳўжалигига тала-фот ва зийнлар келтириб турган дарёларнинг таби-ати ўрганиш халқ ҳўжали-гига бўйсундириш кирган.

Ота-боболаримиз Қурь-они Каримда Оллоҳнинг «Менинг берган нозу неъматларимни енглар ва ичинглар, аммо исроф қил-манглар. Исроф қилувчи бандаларни яхши кўрмай-ман» деган сўзларига қат-тиқ амал қилиб ишлаганлар.

Келажикги буюк бўлган Ўзбекистон ахли бу бора-да ота-боболаримиз ўрнат-қан оқилона деб ўйлаймиз.

Омонулла МУТАЛОВ

Мақолаларни Максуд КОБИЛОВ тайёрлади.



ҚОШ ҚҲЯМАН ДЕБ...

Отам Махдум Восилийнинг хузурига ҳар хил табиблар келиб туришарди.

Ҳозир табиб жонга ҳабиб бўлади, Ҳабиб бўлса жонга табиб бўлади. Нодон табиблардан Худо асрасин, Нафаси ўлимга қариб бўлади.

Уларнинг ичида Мулла Юсуф табиб, Мирза табиб, Шокир табиб, Мулла Абдуҷаббор табиблар бўлар эди. Улар қиблагохимдан ҳар хил гийҳларнинг, доривор моддаларнинг ҳосиятларини сўраб келишарди. Қиблагохим табиб эмас эдилар, бироқ уларда Ибн Синонинг араб тилидаги «Ал-Қонун фи-т-тибб» асари, Ибн ан-Нафиснинг «Муъжиз ул-Қонун», яна «Тибб ул-Раҳма», «Тибб ул-Набий», «Жомий ул-Фавойид», «Шифо ул-Асқом», Муҳаммад Ҳусайнинг «Маҳзан ул-Адвийа» китоблари бор эди.

Қиблагохимнинг ўзлари ҳам синовдан ўтган, эшитган, кўрган дорилари ҳақида «Маҳмаъ ул-Адвийа» номли китоб ёзган ва уни ёзишда давом этар эдилар.

Ҳар бир тиббий китоб — битта ҳазина, Ҳар битта сўзлари гўё лавзина. Охиста мағзани чақиб боролсанг, Улуг табобатга бошлар бир зина.

Айниқса, Юсуф табиб отамнинг хузурларига кўпроқ келарди. Одатда у турли ўсимликларнинг ҳосиятлари ҳақида сўраб, отам «Маҳзан ул-Адвийа»дан ўқиб берардилар.

Юсуф табиб ўсимликларнинг ҳосиятларини бармоғи билан санаб ўтирар, бироқ кўпайиб кетгач, эсидан чиқариб қўйиб, яна кайтадан сўраб эди. «Маҳзан» форс тилида бўлиб, Юсуф табиб уни ўқий олмас эди.

Табибда бўлмаса агар зўр савод, Қандай қилиб тибни қила олсин ёд. Хотира ёшлиқда яхши бўлса ҳам, Ёш ўтиб, қаригач бўлади барбод.

Бир кун Юсуф табиб отамнинг хузурига ўн етти ёшли бир қизни олиб келди. Қиз «Доъ ус-саълаб» («Тулқи касали»)га учраб, қоп-қора қошлари бутунлай тўқилиб кетган эди.

— Унга тошбақа ўтини суртган эдим, барибир фойдаси бўлмади, — деб шикоят қилди табиб.

— Қош қўяман деб, кўз чиқарибсиз-да, — дедилар қиблагохим, — тошбақа ўтини мўй чиқармаслик учун суртилади.

Табибнинг кўп бўлар нозу нағмаси, Ўзини макташдан ўтмас ҳаммаси. Инсоннинг нафаси жон кирғизарди, Жонни чиқаради бунинг нафаси.

Бу воқеа устида қўшимиз Қирғизвой ака ҳам бор эди. У кўп вақтгача бу воқеа ҳақида истехзо билан гапириб юрди.

Тан уйи табибдан обод бўлади, Соғлигинг ҳар лаҳза зиёд бўлади. Нодон табибларга ишона қўрма, Соғлигинг бир умр барбод бўлади.

ЎЗГАЛАР ҲАҚИ...

Шарқ кўлэмалари фонди бўлимнинг ходимлари бир-бирига аҳил ва садоқатли эдилар. Бунинг устига саховат ҳам улардан ёт эмас эди. Саховат эса энг гўзал хислатлардан бири бўлиб, ҳади-си шарифда: «Ас-саҳиййў ҳабибуллоҳи валав кона фосиқан», яъни «Саҳий киши, қорни фосиқ бўлса ҳам, Аллоҳнинг дўстидир» дейилади.

Олам ичра гўзал хислат саҳодур, Саҳили кишилар гамдан раҳодур. Одамлар ичда иззат соҳиби, Худонинг наздида кўп беҳаҳодур.

Ходимлар кутилмаганда бирорта овқат тайёрлаб, бўлимга олиб келишар ёки бўлим ходимларини овқатхонага таклиф қилиб, қорини тўйғизишарди. Ичимизда 3. исмли бир қизгина бундан мустасно эди. Қизнинг илмий соҳада ҳам ишчи юришмас, ҳаётида ҳам эрга ёлчмаган эди. Аммо ўтиришларда қатнашар ва зиёфатлардан баҳра топар эди. Оиласи бадавлат бўлишига қарамай оёй йиллар ўтса ҳам, ҳамкасбаларини бирор марта овқатга таклиф қилмаган ёки ёнидан бир тийин чиқармаган эди.

Саховат бобидан узокда ҳасис, Ўзига ажио йўл айлаган таъсис. Қаердан ис⁴ чикса, қолип боради, Бироқ чиқармағай ўзи асло ис.

Бир кун кесақдан ўт чиққандек, тилга кирди ва уйларида кўй сўйлаётгани ва кўй гўштидан икки килосини ходимларга «қурбон» қилмоғини эълон қилди. Бироқ кунлар кетидан ойлар ўтар, ходимлар ўзаро шивирлашиб, зиёфат қачон бўларкин, дейишарди. Бу орада икки ходимнинг зиёфати ўтиб кетди. Учинчи зиёфатда кимдир қизга: «Гўшлар айнаб қолмадимми?» деб ҳазил қилди. Бошқа бирор эса: «Худойдан йўллар очилади» деди. Қиз лом-лим демади.

Эй ўзини санаган одамлар бойи, Сенга қачон келар саховат ойи? Хайру эҳсонларинг қувар балони, Бекилган эшикни очар Худойи.

Сал ўтмай қизни кимдир чақириб чиқиб кетди. Ичимизда ёши каттароқ опахонимиз бор эди. Охиста деди:

— Ўтган йилги Наврўзда институт фондидан олинган пулларни аёлларга бўлиб бердик ва ҳар бир аёл шу пулга овақат ёки ширинликлар тайёрлаб келишини буюрдик. Шу қизга ҳам икки юз сўм берилди. Ширинлик тайёрлаб келадиган бўлди. Бироқ Наврўз кун қуруқ келди. «Вақтим бўлмади, кейинги гал» деди у. Мана, навбатдаги Наврўз ҳам ўтди-ю ширинликдан дарак йўқ. Пулни эса қайтармади ҳам. Кўпчиликнинг ҳақини еган одамдан қандай қилиб гўшт тамаъ қиласизлар?

Ҳаромхўрлик дўзах сари йиқажак, Хиёнатинг сени домга тикажак. Қўлни чўзма асло ўзга ҳақиға, Ўзгаларнинг ҳақи тешиб чиқажак.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ

1 Ҳабиб — дуст, меҳрибон. 2 Қариб — яқин. 3 Лавзина — бодом мағзидан тайёрланадиган доривор ширинлик. 4 Саҳо — саҳийлик. 5 Раҳо — қўтилиш. 6 Ис — хайру эҳсон, зиёфат.

Б. Назаров ўзига хос шакл ифодасига эга бўлган, кўп йиллардан бунинг Шарқ аёлларининг гўзаллиги ва назокатини матода ифодалаган ҳамда ўзбек киносаънати ривож учун жон куйдираётган мусаввирлардан ҳисобланади.

Мусаввирнинг Бешёғочдаги устахонасида. Девора турли-туман суратлар осилган ҳолда Ҳиндистондаги муҳаббат қасри — Тож Маҳал. Асарга ҳали сўнгги ишловлар берилмагани билан библиографияда. Суратдан сизга тикилиб турган Мумтоз Маҳал қиёфаси жонлидай, худди мулоқотга киришгандай туюлади.

Б. Назаров — ҳаракатчан расsom. У институтни тугатганидан бери малакасини ошириш, бадий маҳорат сирларини эгаллаш йўлида тинмай изланади. Этнолар, чизмалар, хомаки расмлар ишлади, йирик полотно яратишнинг мураккаблиқларини ўрганди.

— Бахтиёр ака, эшитишимча, ўзбек мусаввирларидан биринчилардан бўлиб Кинематографчилар институти талабаси бўлган экансиз.

— 1960 йили П. Бенков номли бадий билим юртига кирдим. Ўқув йилларида Юрий Иванович Пиминов ижоди мени сеҳрлаб, ўзига мафтун этди ва кўнглимда билим юртини тугатгач, шу буюк мусаввир қўлида албатта, таҳсил оламан деган орзу тугилди. Бунга қарангки, омадим чоғиб, 4-курсда ўқитганимизда Москва ва Ленинградга амалиётга жўнатишди. Ана шу пайтда Ю. И. Пиминовнинг Кинематографчилар институтида дарс беришини билиб олдим ва шу ерга кириш имтиҳонларини топириш учун тайёрлана бошладим. Эй, айтаверсам имтиҳон топиришимнинг ўзи бир мақола бўлади.

— Ҳаммамизга аёниқ, санъат турлари ичида кино энг кўп маблағ талаб қиладиган ва жуда машаққат билан яратиладиган санъатдир. Бугунги кунга келиб унинг имкониятлари чексиз. Расsomнинг кинодаги роли, вазифалари ҳақида нималар дея оласиз?

— Энг аввало, институтдаги ўқиш билан ишлаб чиқариш ўртасидаги фарқ жуда катта эканлигини айтиб ўтай. 1971 йили илк бор Равиль Ботиров режиссёрлик қилган «Сени кутамиз, йигит!» бадий фильмида мусаввирлик вазифасини бажарганман. Шунинг учун Равиль акани ишлаб чиқаришдаги устозим деб

биламан. Кейин Даврон Салимов билан «Шум бола»ни олдик. Албатта, ҳар бир кино асари яратилган экан, режиссёрнинг ҳам, актёрнинг ҳам, расsomнинг ҳам ўз олдига қўйган ягона мақсади бўлади. Бу — томошабоп асар яратиш. Баъзи фильмлар бевосита табиат бағрида суратга олинса, баъзилари студия павильонларида олинди ва улар учун бевосита турли декораци-

РАССОМ УСТАХОНАСИДА

Дунё — камалакдек жилвагар

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Бахтиёр Назаров тасвирий санъатга мугун борлигини бахшида қилган, кўп қиррали, маҳоратли мусаввирлардан биридир. У дунё кезган расsom. У яратган асарлар Мароқаш, Сеул, Париж, Нью-Йорк шаҳарларида шахсий коллекцияларда сақланмоқда.

ялар ясади. Расsom экранда намоиш этилаётган воқеаларнинг ҳақиқийлигига томошабинни ишонтира билиши керак. «Шум бола» бадий фильмидаги бозор тасвири «Ўзбекфильм» павильонида, мен тайёрлаган декорациялар асосида суратга олинган.



ган кўргазмам бўлиб ўтди. Унда 60 га яқин асарим намоиш этилди.

— Сиз ўз асарларингизда қандай ранглардан кўпроқ фойдаланасиз?

— Мусаввир учун ҳамма ранглар ҳаво билан сувлай зарур. Қайси бирини кўпроқ ишлатиш ҳар бир расsom феълига боғлиқ. Мен



Маълумки, магистрлар тайёрлашдан асосий мақсад олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-хунар коллежларини юқори малакали ўқитувчилар билан келажакда тўлдириб боришдир. Буларни назарда тутиб магистрларни ўқув жараёнида педагогика, янги педагогик технология ва педагогик маҳорат фанлари муҳаммал ўқитилмоқда. Уларга Вазирлик курсатмаси бўйича ҳар hafta 4 соатдан чет тили дарси ўқитилмоқда. Магистрларимиз диссертациялари устида иш олиб боришлари билан бирга «Миллий истиқлол гоёси» фанини ўрганмоқдалар. Магистратура — аниқ иктисос-

ларида ТошКТИ билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 12 та институти, хусусан Микробиология, Полимерлар кимёси ва физикаси, Микробиология, Ўсимлик моддалари кимёси, Биоорганик кимё, Вирусология, Экология ва радиология, Математика, Электроника, Кибернетика, Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги ҳамда Иктисодиёт институтлари ўртасида илмий-тадқиқот, ўқув-услубий ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Бундай шартномалар яна 10 та тармоқ институтлари — фармацевтика, курилиш материаллари ва бошқалар билан тузилди.

Бундай шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтининг 11 йирик фан намоёниси ТошКТИда таълим олаётган магистрларга бириктирилди ҳамда замонавий мавзуларда талабалар учун махсус дарслар ташкил этилди. Бунинг эвазига институт талабалари учун номлари юқорида кайд этилган республикамизнинг илгोर тармоқ фан даргоҳлари илмий ва моддий-техника базасидан самарали фойдаланишга имконият яратилди. Жорий йилда институтни 10 дан ортиқ мутахассислик бўйича 63 магистр тугатди.

Магистрлик диссертациялари етуқлиги, яъни шакли ва мазмуни унга қўйилган талабларга жавоб беришида муҳокма қилиш жараёни, яъни апробациянинг ўрни ниҳоятда муҳимдир. Бу жараёни сифатли ўтказиш мақсадида магистрантлар биринчи курсдан ўзлари бажарган илмий-тадқиқот ишлари натижалари билан институтининг йиллик «Фан ҳафталиги» ва бошқа техника олий ўқув юртларида ўтказилаётган илмий анжуманларда иштирок этмоқда. Иккинчи курсда эса бу жараён қайтарилиб, уларнинг анжуманларда маърузалар билан чиқишлари юқориқор поғонада ўтмоқда. Буларга қўшимча равишда диссертация ишлари натижалари бўйича анжуманларда фаол қатнашган магистрлар мақолалари институтининг махсус илмий ишлар тўпламида нашр этирилмоқда.

Магистрлик диссертацияларини ўз вақтида сифатли тайёрлаб ва химоя қилишини таъминлаш ҳамда илмий-тадқиқот ишларида муваффақиятга эришган магистрантларни аспирантурага тавсия этиш, устувор йўналишга эга долзарб мавзудаги тадқиқотларини давом эттириб номзодлик диссертацияси даражасига етказиш институт жамоаси олдидagi асосий вазифадир. Бу эса Юртбошимизнинг магистрлар олдига қўйган талаб ва вазифаларини тўлиқ бажариб мамлакатимиз тараққиётини таъминлай оладиган, юксак маънавий-маданий хислатларга эга кадрлар бўлиб етишишларида йўлчи юлдузидир. Биз, устозлар бу борада бор тажрибамизни, куч ва ғайратимизни аямаймиз.

Патхулла ИСМАТУЛЛАЕВ, Тошкент кимё-технология институти ректорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, профессор, Шавкат НУРУЛЛАЕВ, Тошкент кимё-технология институти ўқув бўлими бошлиғи, доцент.

Янгилıklar, воқеалар, хушхабарлар

ХАМКОРЛИК

Ижодий алоқалар самараси

Ўзбекистон Давлат санъат музейининг Япония мўйқалам усталари ва ҳайкалтарошлари билан ҳамкорлиги бир неча йиллардан бери давом этиб келмоқда. Ана шу ижодий алоқалар натижаси ўлароқ тасвир ва амалий санъатига доир асарлар бўйича алоҳи-

да каталог яратилди. Япония ҳукумати халқаро доирада тутган ўрнини инobatла олиб, музеега 38,8 миллион япон иени ажратди. Бу маблағ экспозиция тармоғини янги техник жиҳозлар, видеотасвирлар ва шу каби бошқа мақсадлар учун сарфланади.

Анвар ВАЛИЕВ

ТАЪЛИМ

Мунозара клуби

Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг мунозара клуби очилди. Очқ жамият — Ўзбекистон институти кўмак жамгармаси мунозара марказининг шохобчаси янглиғ фаолият кўрсатадиган бу гуруҳ «Парламент мунозараси» дастурида ҳам иштирок этиб, шу кунинг муҳим масалалари юзасидан ўзаро фикр алмаштириш кўникмасини ҳам ҳосил қиладилар. Мунозара клубига бошқа олий ўқув юртлари талабалари ҳам жалб этилди.

Азиз АҲМЕДОВ



Ушбу уйинчоқ ёқадими?.. Равиль Альбеков олган сурат.

Фан ва таълим интеграциясини мутахассислар тайёрлашдаги бирламчи омиллардан деб билиш ва уни бошқа устувор йўналишлар билан узвий мутаносибликда олиб бориш — мустақил Ўзбекистон тараққиётининг муҳим хусусиятларидан биридир. Бинобарин, иктисодий тақомилни ҳам, ижтимоий-маънавий юксалишни ҳам етуқ олгли, чуқур маданиятли ва малакали кадрлар билангина амалга ошириш мумкин.

Худди шу боисдан мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётбахш гоёлари халқаро миқёсда катта обрў топди ва унга қизиқиш тобора орту борапти.

Дастурда белгиланганидек жаҳон таълим андозалари талаби даражасида малакали ёш мутахассисларни тайёрлашда фан ва таълимнинг узаро ҳамкорлиги, яъни интеграциясини ривожлантириш, тақомиллаштириш муҳим ўринни эгаллайди. Бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида муттасил тақомиллаштириш давлатимиз кудратини оширишга хизмат қилувчи юксак маънавий, маданий, ахлоқий фазилатларга эга бўлган доно, юқори малакали баркамол кадрлар тайёрлашнинг асосидир.

Тошкент кимё-технология институти республикада кимё ва озиқ-овқат технологияси иктисосликларига тегишли мутахассислар тайёрлаш бўйича таянч олий ўқув юрти ҳисобланади. Ҳозир институтида фан докторлари, номзодларнинг салмоғи профессор-ўқитувчиларнинг умумий сонига нисбатан 70 фоиздан ортиқдир. Шу сабабли институти кафедраларида бакалаврлар тайёрлаш билан бир қаторда аниқ иктисосликлар бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 1998/1999 ўқув йилида 12 дан ортиқ мутахассислик бўйича магистрлар тайёрлаш бошланди.

Таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлашга нисбатан магистрларнинг тахсил олишининг ўзига хос хусусиятлари бор бўлиб, улар кўпроқ ижодий ёндашиш ишлари билан шуғулланишлари талаб этилади. Магистрлар ўқув режасидаги ўқув юкларималари ҳаммининг тақсимланишида магистрнинг мустақил ижодий амалиёт ўтишлари катта аҳамият берилади. Бу эса ёш кадрни келажакда иктисослик йўналишига мос келувчи илмий-тадқиқот институтиларида илмий излашларни давом эттиришларига замин ҳозирлайди.

Республиканинг бугунги бозор иктисодиётига ўтиш шароитида фан иктисодий ривожланиш учун замонавий рақобатбардош махсусотлар олишга асосланган технологияларни ишлаб чиқаришга тақдим этади. У фундаментал фанлар устида узок олиб борилган тадқиқот натижаси янгиликларидан, шу жумладан, интеллектуал мулкдан кенг фойдаланишга даъват қилади. Фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни жадаллаштириш оқоли уларнинг самардорлигини янада оширишга эришиш эса янги илгोर го-

ва технологияларни ишлаб чиқаришга изчил жорий этишга боғлиқ.

Олий ўқув юртларида фанни ривожлантириш ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган ва салмоқли ютуқлар қўлга киритилган бўлсада, бу борадаги саъй-ҳаракатларни изчил давом эттириш керак.

Маълумки, магистрлар тайёрлашдан асосий мақсад олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-хунар коллежларини юқори малакали ўқитувчилар билан келажакда тўлдириб боришдир. Буларни назарда тутиб магистрларни ўқув жараёнида педагогика, янги педагогик технология ва педагогик маҳорат фанлари муҳаммал ўқитилмоқда. Уларга Вазирлик курсатмаси бўйича ҳар hafta 4 соатдан чет тили дарси ўқитилмоқда. Магистрларимиз диссертациялари устида иш олиб боришлари билан бирга «Миллий истиқлол гоёси» фанини ўрганмоқдалар. Магистратура — аниқ иктисос-

ларида ТошКТИ билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 12 та институти, хусусан Микробиология, Полимерлар кимёси ва физикаси, Микробиология, Ўсимлик моддалари кимёси, Биоорганик кимё, Вирусология, Экология ва радиология, Математика, Электроника, Кибернетика, Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги ҳамда Иктисодиёт институтлари ўртасида илмий-тадқиқот, ўқув-услубий ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Бундай шартномалар яна 10 та тармоқ институтлари — фармацевтика, курилиш материаллари ва бошқалар билан тузилди.

Бундай шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтининг 11 йирик фан намоёниси ТошКТИда таълим олаётган магистрларга бириктирилди ҳамда замонавий мавзуларда талабалар учун махсус дарслар ташкил этилди. Бунинг эвазига институт талабалари учун номлари юқорида кайд этилган республикамизнинг илгोर тармоқ фан даргоҳлари илмий ва моддий-техника базасидан самарали фойдаланишга имконият яратилди. Жорий йилда институтни 10 дан ортиқ мутахассислик бўйича 63 магистр тугатди.

Магистрлик диссертациялари етуқлиги, яъни шакли ва мазмуни унга қўйилган талабларга жавоб беришида муҳокма қилиш жараёни, яъни апробациянинг ўрни ниҳоятда муҳимдир. Бу жараёни сифатли ўтказиш мақсадида магистрантлар биринчи курсдан ўзлари бажарган илмий-тадқиқот ишлари натижалари билан институтининг йиллик «Фан ҳафталиги» ва бошқа техника олий ўқув юртларида ўтказилаётган илмий анжуманларда иштирок этмоқда. Иккинчи курсда эса бу жараён қайтарилиб, уларнинг анжуманларда маърузалар билан чиқишлари юқориқор поғонада ўтмоқда. Буларга қўшимча равишда диссертация ишлари натижалари бўйича анжуманларда фаол қатнашган магистрлар мақолалари институтининг махсус илмий ишлар тўпламида нашр этирилмоқда.

Магистрлик диссертацияларини ўз вақтида сифатли тайёрлаб ва химоя қилишини таъминлаш ҳамда илмий-тадқиқот ишларида муваффақиятга эришган магистрантларни аспирантурага тавсия этиш, устувор йўналишга эга долзарб мавзудаги тадқиқотларини давом эттириб номзодлик диссертацияси даражасига етказиш институт жамоаси олдидagi асосий вазифадир. Бу эса Юртбошимизнинг магистрлар олдига қўйган талаб ва вазифаларини тўлиқ бажариб мамлакатимиз тараққиётини таъминлай оладиган, юксак маънавий-маданий хислатларга эга кадрлар бўлиб етишишларида йўлчи юлдузидир. Биз, устозлар бу борада бор тажрибамизни, куч ва ғайратимизни аямаймиз.

Патхулла ИСМАТУЛЛАЕВ, Тошкент кимё-технология институти ректорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, профессор, Шавкат НУРУЛЛАЕВ, Тошкент кимё-технология институти ўқув бўлими бошлиғи, доцент.

МИЛЛИЙ ДАСТУР

Фан ривожига — кадрлар тайёрлаш омили

лик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриятдан кейин, унинг негизда таълим мuddати камида икки йил давомли олий таълимдир. Унинг барча бўғинларида таълимга тегишли намунавий дастурлар ва уни ижроқилар иштирокида мукаммал амалга ошириш тайёрланаётган магистрларни билим, салоҳият, фидойи бўлишига олиб келиши табиий.

Олий таълимнинг иккинчи юқори магистратура босқичи ишларини замон талаблари даражасида амалга ошириш учун бир қатор муҳим тадбирлар институти жамоаси томонидан амалга оширилди. Жумладан, магистратурага қабул қилинган талабалар билан институти раҳбарларининг учрашуви, суҳбатлари ўтказилди ва унда талабалар ҳамда уларнинг устозлари олдига қўйилган долзарб вазифалар келишиб олиниши аънавий тус олди.

Магистрларга биринчи курсдан олий мавзу бериш ва диссертация ишларига раҳбарлик қилиш учун юқори малакали профессорлар тайинланди. Белгиланган магистрлик диссертацияси мавзуси ва раҳбарнинг салоҳияти институтида фаолият кўрсатаётган «Магистрлар кенгаши»да кенг жамоатчилик иштирокида муҳокма қилинади ва бажаришга тавсиялар берилади.

Магистратура босқичи талабаларининг етуқлиги, фаоллиги, улар тахсил олаётган кафедранинг ўқув-моддий базасининг замонавий асбоб-ускуналарга эгаллиги ва устозлик қилаётган профессор-ўқитувчиларнинг салоҳиятига ўта боғлиқ.

Бундай жараёни самарали амалга оширишнинг йўлларида бирини Тошкент кимё-технология институти фаолиятида ҳам қуриш мумкин. 2001 йил бош-

Режалар асосида

Мамлакатимизда 2001 — оналар ва болалар йили муносабати билан соғлиқни сақлаш тизимида «Она ва бола» давлат дастурига мувофиқ ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Шахримизнинг Юнусов бод туманида жойлашган 25-оилавий поликлиникининг бош шифокори Гузал Иброҳимова поликлиникада оналар ва болалар саломатлиги ҳусулида амалга оширилатган ишлар йўлида бизга куйидагиларни сўзлаб берди.

— Шифохонамиз республикамиз мустақилликка эришган 1991 йилдан буюн фаолият кўрсатиб келмоқда. Шифохона оилавий бўлгани учун педиатрлар, гинеколог, терапевтлар узвий боғлиқликда ишлайди. Шу узвий боғлиқлик, ҳам-жаҳатлик туфайли кейинги 2 йил давомида курсаткичлар яхши тарафга ўзгари. Масалан, болалар ўлими курсаткичи йилдан йилга пайсабий бормоқда. Фаолиятимиз давомида бирорта ҳам ўлим содир бўлмади. Юқумли касалликлар эса ўзинингизга маълум, ҳозирда шахримизда учраб тургани. Уларнинг оидини олиш борасида бир қанча ишлар қилинмоқда. Бизнинг ҳудудимизда 12 та боғча, 6 та мактаб ва 1 та болалар интернати мавжуд бўлиб, бу жойларда доимо, профилактик ишлар олиб борилади. Ушбу тадбиримиз юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишда муҳим омили ҳисобланмоқда. Шунингдек, эмлаш ишларимиз ҳам шайх буюнча 96-98 фоиз бажарилади. Кўйида, дифтерия, қизамиқ каби касалликларга қарши эмлаш ишларимиз ўз вақтида олиб борилади. Шу сабабли юқорида санаб ўтилган касалликларга учраган беморлар бизда яқин орада қайд этилгани йўқ. Бироқ вирусели

епатит учраб турибди. Ҳар бир мактаб, боғча ва интернатга алоҳида-алоҳида малакали шифокор ва ҳамширалар тайинланди. Улар белгиланган жазва бўйича болаларни тиббий кўриқдан ўтказиб туришди. Масалан, 3 ёшдан буёнча боғча тарбияланувчилари ҳар ойда, 3 ёшдан катталар ҳар кварталда кўриқдан ўтказилади. Мактаб ўқувчилари ҳар йилда 1 мартаба текширилади. Шунинг айтиб ўтиш жоизки, ўсимирларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун мутахассислар, қизлар учун гинекологлар бор. Мабодо бирорта ўсимирда касаллик аломати аниқланса, у диспансер ҳисобига олиниб, соғломлаштириш ишлари олиб борилади. Шунинг соғломлаштириш ишларини ўзимизнинг физиотерапия бўлимида олиб борамиз. Бўлимида ҳар хил муоажалар, шунингдек, массаж хоналари мавжуд.

Оналар ва болалар йили маълум маънода Соғлом ашод йилининг давомидир. Шу сабабли ҳозирда балоғатга етган қизларни кўриқдан ўтказмоқдамиз. Ҳомилалор аёлларга эса малакали шифокор гинекологларимиз ўз маслаҳатларини беришмоқда. Ёш оналаримизга ҳам 1 ёшгача бўлган болаларни тўғри парваришлаш, тўғри овқатлантиришга ўргатиш мақсадида «Ёш оналар мактаби» ташкил қилинган. Ушбу мактабда малакали гинеколог ва терапевтлар фаолият кўрсатишди. Бу мактабга ҳомилалор аёллар аъзо қилинади.

Шунингдек, «Соғлом онадан соғлом фарзанд тутилади» шiori остида биз аёлларни ҳомилалор бўлгунча соғломлаштириш ишларини олиб бормоқдамиз. Шу сабабли тўғри ёшдаги аёлларнинг 46 фоизини кўриқдан ўтказиб, уларда аниқланган хасталикларнинг олди олиноқлади.

Азиза ИЛҲОМОВА суҳбатлашди.

Ҳозирги кунда ҳаётимизни бир зум ҳам «ойна жаҳон»сиз тасаввур эта олмаيمиз. Зеро, ҳар биримиз ишдан ёки ўқидан келганимиздан сўнг телевидениенинг турли дастурлари орқали республикамиз ва жаҳонда рўй берган энг сўнгги воқеалар, аниқликлар, хушхабарлар билан танишамиз, ўзимиз севган хонандалар ижросидаги концертларни марок билан томоша қиламиз, кизкарли фильм, кўрсатувлардан оламолам завқ оламиз. Шунинг таъкидлаш жоизки, ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган Ўзбекистон телевидениенинг фаолият бошлаганига ҳам шу йили қирқ беш йил тўлади. Ушбу давр ичида бу ерда жуда кўп фидойи ва заҳматкаш кишилар фаолият кўрсатиб Ўзбекистон «ойна жаҳон»нинг ривожига ўзларининг муносиб хиссаларини қўшдилар. Улар орасида бутун умрини Ўзбекистон телевидениеси билан боғлаган — қирқ икки йилдан бери ушбу кутлуг даргоҳда меҳнат қилиб келаётган олий тоифали тасвирчи Эркин Мухамедовнинг ҳам муносиб ўрни бор.

...Ёшлик чоғларида турли соҳаларга қизиқиб ўз кучи-салҳиятини синаб кўриш ҳар бир инсонга хос хислат. 16 ёшга тўлган Эркинжон ҳам келгусида бирор бир касбнинг «этакидан» мақкам тутиш ниятида Эски шаҳардаги Й.Охунбобоев номли маданият уйидаги сураткашлик ва мусиқа тўғрисида қатъий бўлади. У бир кун суратчилик сирларини ўрганар, эртасига эса рубоб чалишдан сабоқ оларди. Кунларнинг бирида маданият уйининг Фаффор Иброҳимов раҳбарлигидаги рубобчилар дас-тасини янги ташкил этилган телевиденига таклиф этишиб ёш ижроичилар тўғридан-тўғри эфир орқали куйлар ижро этишди. Ушунда тасвирчиларнинг қаққон ва малакали ҳаракатлари Эркин-када татасурот қолдириб, унда тасвирчилик касбига кучли қизиқиш уйғунди.

1959 йили у А.Ҳидоятлов номли 14-мактабни битирганидан кейин тасвирчилик касбини эгаллаш мақсадида тўппа-тўғри телевиденига ишга келди. Бироқ Эркинни дастлаб тасвирчилар гуруҳига олишмаганлиги сабабли у телемарказда техник гуруҳда ишлаш бошлади. Унинг қизиқиши, изланишлари ва ўз устида ишлаши натижасида 1966 йил 5 декабрда Э.Мухамедовнинг тасвирчи ассистентлигига ўтказишди.


— Уша пайларда Ўзбекистон телевиденисида тасвирчилик мактабини яратган Карим Азизжўяев, Жалил Ваҳобов, Неймат Саъдуллаев, Рауф Азимов каби муҳир устозлардан касб сирларини ўрганган, иқтидорли режиссёрлар — Зоҳиджон Обидов, Маҳкам Му-

хамедов, Ҳайбатилла Алиев, Мақсуд Юнусовлар билан камарбаста ҳолда ишладим, — дейди Эркин ака Мухамедов. — Онам раҳматли «Уғлим, дархат ҳар жойда кўкарди, шу ерда туп қўйиб, палак ё», деб дуо қилганларини сабабли бир умр шу даргоҳда тасвирчилик касбини эъзозлаб келаяман. Касбга астойдил меҳр қўйсанг қийинчиликлар ҳам билинмас экан. Илгарилари жонли, бевосита кўрсатувчар кўп бўлганлиги сабабли кўпинча тунги соат 12 гача

мол ҳам Эркин Мухамедов билан деярли бир кунда — 1966 йилнинг 6 декабрида тасвирчи сифатида иш бошлаганди. Мана, уттиз беш йилдирки, уларнинг ҳар иккаласи туташ тақдирлар соҳиблари сифатида ҳамфикр, елкадош бўлиб тасвирчилик касбини эъзозлаб келишмоқда.

Дарҳақиқат, ота-онанинг дуосини олганлар кам бўлмади. Эркин ака Мухамедов Ўзбекистон телевиденисида ҳамон ёшларга хос ғайрат ва шижо

Инсон умрининг моҳияти



ишлардик, маҳоратимизни оширишга ҳаракат қилардик. «Интиланга толе ёр» деганларидек, Эркин аканинг қалб қўри орқали тасвирчи олинган «Ойна», «Дуниёнинг ишлари», «Гирлоб», «Ноирабегим» каби телеспектакллар ҳозирда Ўзбекистон «ойна жаҳон»нинг олтин фондида сақланади. Утган вақт ичида устоз сифатида Шавкат Раҳимов, Акмал Сулаймонов, Рауф Аҳмаджонов, Ғайниддин Зиёмухамедов каби шоғирларни етиштириб чиқарди. Шунингдек, ишдан ажралмаган ҳолда сураткашлик касбини ҳам давом эттирди — «Тошкент оқшоми», «Тошкент ҳақиқати», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Туркистон» газеталарида адабиёт, санъат, театр соҳалари бўйича тасвирга туширган кўп суратлари босилиб чиқди.

Шуниси эътиборга молиқки, ҳозирги кунда Ўзбекистон телерадиокомпаниясида бош тасвирчи сифатида фаолият кўрсатиб келаётган Марат Мусли-

билан «Юзма-юз», «Қалб гавҳари», «Ассалом, Ўзбекистон», «Конституция ва биз», «Кувноқ учрашувлар», «Хидоят сари», «Харита», «Оқшом эртала-ри», «Олтин мерос», «Табасум кўчаларида», «Уйла, изла, топ!» каби кўрсатувларни тасвирга туширмоқда. Узининг бой тажрибасио маҳоратидан ёшларни баҳраманд этмоқда.

— Етиштирган шоғирлар, бажарилган ҳайри-савоб ишлар инсон умрининг мазмун-моҳиятини белгилайди, кексайганда таянч бўлиб, кунингнинг кўтарали, — дейди Эркин ака. — Соғ-саломат эканман, мустақил юртимиз «ойна жаҳон»нинг ривожига ўз хиссамни қўшишга сиқилдиладан боз бўлганман.

Дилшод ИСРОИЛОВ. СУРАТДА: Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг олий тоифали тасвирчиси Эркин Мухамедов (ўнгда) ҳамкасби Марат Муслимов билан. Равил Альбеков олган сурат.

ҒАЗАЛҲОНЛИК

На керак?
Сен қаро суртма юзимга, воҳ юз қаролик на керак.
Туман тортма кундузимга, мотамсаролик на керак.

Элли суйган бандасига, фитнаким қайдин раво,
Минг рибзат чекса бу жон, меҳри малоллик на керак.

Кимдан бурда нон тотинсам, юз баробар нарх айларам,
Тош кўнгул этсак жаҳонни, мазмун гадолик на керак.

Муслимимиз — деб, унутсак гар, Шарқона одоб оламин,
Мов мушукдек лой том аро, макруҳ сафолик на керак.

Меҳру, ишқу, оқибатким, ортга чекинса жон ҳаром,
Буюк ахлоқ ёки битгач, худки балоник на керак.

Кима бир гард истагай ким, юзминг бало бошиндадир,
Кайтимин Ҳақ, ҳазм этмас, қалбга яролик на керак.

Шамс нурига тухмат айлаб, қай кас осийош топдиким,
Сен осийош топсанг эй, кас, ёғий майғлик на керак.

Сеней Турсун бу жаҳонга келмагансен гердайғали,
Шамс-ки чарҳга бош эгурким, қалон-думоғлик на керак.

МАТБАА

Илмий тўғлам

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети босмахонасида «Иқтисодий мерос ва жаҳон таъриби» деб номланган тўғлам босиб чиқарилади. Ундан республикамизда шу мавзуга бағишлаб ўтказилган илмий анжуман материаллари ўрин олди.

Аҳмад АБЗАМОВ

АНЖУМАНЛАР

Совринли ўрин соҳиб

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаларидан иборат жамоанинг Горжани-яга қилган сафарни қувончи-якуналади. Улар немис дёвбирида ташкил этилган халқаро ёшлар фестивалига қатнашиб, «Тафаккур Олдесеяси» халқаро ёшлар дастури доирасида ўз билим ва иқтидорларини намойиш этилди.

Жаҳондаги 10 мамлакатдан 15 жамоа орасида олий ўқув юрти вакиллари совринли туртинчи ўринни қўлга киритдилар.

Ақбар АЛИЕВ

ШИФОБАХШ ГИЁҲЛАР

экадилар. Ушундан буюн: «Мадёр қизиларнинг лабларида илохий олов ёнади» деган нақл оғиздан оғизга ўтиб кетлади. Қалампирнинг Тошкент-да гармдор, яъни иссиқ доридейилишида ҳам гап борга ўхшайди.

Қалампирнинг асосий на-влари ва турлари Мексика ва Гватемала марказий туманла-рида ўсади, зеро бу ерлар айни унинг ватани ҳамдир. Ҳозирги пайтда қалампир ҳамма вилоятларда ўстирилади. Улар мевасининг тузили-ши, ранги ва ачиқлиги жи-ҳатидан бири-бирдан фарқ қилади. Меваси таркибида қанд, оксил, эфир мойи, С, каротин, В1, В2 каби дармон-дорилар, алкалоидлар, мик-роземлентлар (натрий, каль-ций, темир) сақланади.

Халқ табибатида қалампир ел ҳайдовчи, иштаҳани очу-вчи омил сифатида қўллани-лади. Ел ҳайдовчи сифатида қалампир суяқ таомларга

ШИФОБАХШ ГИЁҲЛАР

кўшилади, истеъмол қилин-гач, иссиқроқ бўлиш учун кўрпага ўрашади. Янги қалампир мушаклар оғриган-да қўйилади. Мабодо янги қалампир бўлмаса, қуритил-ган қалампирни кукун холи-га келириб, илиқ сувда ара-лаштирилади ва буюм оғрик-ларига сурқалади. Қалампир-нинг юрак, миё ш фаолият-тини кучайтириш, таом ҳаз-мини яхшилаш, пешоб ҳай-даш хусусияти бор. У исти-робли йўталда, қорин дам бўлганда фойдали, семизлик-нинг олдини олади. Замоно-вий табобатда қалампир пар-ҳез ва доривор сифатида иш-латилади. Қалампир меваси-дан спиртли эритма, суртма, малҳам, қалампирли пластир тайёрланади.

Қалампирни фойдали экан, деб қўп истеъмол қилиш мумкин эмас, аъзои тананга, айниқса меъда ва ичакларга зарар қилади. Бавосил хаста-лигига чалинган беморлар қалампир есалар, қон кели-шини кучайтиради. Меъда ичак яраси бор, жигар, буй-рак хасталигига дучор бўлган кишиларга ачиқ қалампир тавсия этилмайди.

Ширин қалампир камқон-ликда, кучсизликда, дармон-дори камлигида қўлланила-ди. Ҳазм қилиш фаолиятини яхшилайди.

БЕКА

Пазанда маслаҳати

Фаёзли тузалган дастур-хон аввало уй бекасининг диди, зийраклиги ва эҷилли-гидан дарак беради. Теж-жамкорлик билан йўқни ҳам бор қилиб дастурхон тузаш, бир турдаги масалликдан бир неча хил пиширилган тайёрлаш ҳам фахр оқла аёлларнинг қўлидан келади. Биз куйида уй шароитида бир неча хил торларни тай-ёрлаш услубини тавсия эта-миз.

Лимонли торт

МАСАЛЛИК: 6 та тухум, 2 стакан шакар, 1 дона катта лимон, 200 грамм сариёғ, 2,5 стакан ун, 100 грамм шо-колад плиткаси, 1 чой қошқ сода, озгина туз.

ТАЙЁРЛАШ: 6 та тухум сариғи 1 стакан шакар билан кўпиртирилади. Сода, сметана ва ун қўшиб ҳамир қорилади. 3 та қулча пиши-рилиб, орасига крем сурти-либ, устма-уст қўйилган, те-паси қирилган шоколад билан безалади.

КРЕМ ТАЙЁРЛАШ: 6 та ту-хум оқи яхшилаб кўпирти-рилиб, 1 стакан шакар билан қирғичдан ўтказилган лимон билан қўшилиди. Холдасангиз, 1 стакан май-даланган ёнғоқ мағзи қўши-шингиз мумкин.

«Ором» торти

МАСАЛЛИК: 400 грамм маргарин, 3,5 стакан ун, 200 грамм сариёғ, 0,5 банка қуй-илтирилган сут, 1 стакан сув.

ТАЙЁРЛАШ: совутгичдан олинган маргарин унга қирилади, сўнг 1 стакан сув қуйиб, ҳамир қорилади. Ха-мири 6 қисмга бўлиб, 2 соат совутгичда сақланади, сўнгра ҳар бир қулчани ёйиб пиширилади. 5 та қул-ча устига крем суртиб, 6-сига ёнғоқ аралаштирилган крем суртилади.

КРЕМ ТАЙЁРЛАШ: 200 грамм сариёғни 0,5 банка қуйилтирилган сут билан аралаштирилади.

Азиза МУҲАМЕДОВА тайёрлади.

Рубоийлар

Ором гирдобиди «оҳ...» урганда гул,
Турфа таъриф учун сайрамас бўлбул.
Висол оҳангидан олий оҳанг йўқ,
У, бўлбул оҳанги, боқий абадул.

Гулбадан хокидан гул ундирди Ҳақ,
Чайр лаш хокидан янтоқ урди барқ.
Янтоқ бардоҳисини гардумга қасам,
Минг тикан ичра ҳам, гулга бўлди гарқ.

Чексиз фазовотнинг ўпкони бисёр,
Турфа офатларини ўлпони бисёр.
Мустаҳкам этмас ўз томин ҳар эл,
Беъқалқон гардуннинг тўфони бисёр.
Турсун МУҲАММАД

ОШҲ «БЕКТЕМИР ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ» АКЦИОНЕРЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖЛИСИНИ ЎТКАЗАДИ

Мажлис 2001 йил 25 июнда соат 9.00 да бўлади.

Манзил: Тошкент вилояти, Урта Чирчик тумани, Бектемир кишлоқи, Паркент тракти, 15. Соат 8.00 да рўйхатга олиш бошланади.

КҮН ТАРТИБИ:

I. ОШҲ «Бектемир пахта тозалаш заводи»нинг 2000 йил молиявий-ҳўжалик фаолиятини тўғрида ҳисобот.

II. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва Аудитор ҳулосасини тасдиқлаш.

III. 2000 йил балансининг ва йиллик дивидент миқдорини тасдиқлаш.

IV. Кузатув кенгаши таркибига ва ижроия органига қўшимча сайлов.

V. Ҳар-хил масала.

ОШҲ «Бектемир пахта тозалаш заводи»нинг 2000 йил баланси:

№	Кўрсаткичларнинг номи	минг сўм
1.	АКТИВ	
2.	Асосий воситалар	33797
3.	Скорир	21713
4.	Қолдиқ қиймат	12084
5.	Узашма қоронғилардаги акциялар	263
6.	Ишлаб чиқариш заҳиралари	299884
7.	Келгуси давр сарфлари	16175
8.	Пул маблаг	4100
9.	Тайёр маҳсулот	33860
10.	Дебиторлар	190
11.	Харидор ва буортмачилар билан ҳисоблавишлар	3120
12.	Аванс тўловлари	72144
13.	ЖАМИ:	441720
1.	ПАССИВ	
2.	Устав капитал	13638
3.	Резерв капитал	646
4.	Таксимланмаган фойда	2128
5.	Мақсадли тушум ва фондлар	2793
6.	Келгуси давр сарфлари	
7.	ва тўловлари учун резервлар	4242
8.	Узашма қоронғилардаги қарзлар	200
9.	Бюджет бўйича қарзлар	59051
10.	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	5638
11.	Ижтимоий сугурта ва таъминот бўйича қарзлар	36783
12.	Харидор ва буортмачилардан олинган бунақлар	238829
13.	Мол етказиб берувчилар	65064
14.	Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар	12518
15.	Бошқа кредиторлар	190
16.	ЖАМИ:	441720

Ушбу баланс «Камол-Аудит» фирмаси аудитори ҳулосаси билан тасдиқланган.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.